

# «QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILIMY-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

## АНУШТАКИН ХОРАЗМШОХЛАР ДАВРИ МАДАНИЙ – МАЪРИФИЙ ҲАЁТИ ТАРИХИДАН

*Илмий раҳбар: Б. Қ. Турганов  
Ажсиниёз номидаги НДПИ Тарих  
ўқитиш методикаси кафедраси*

**Даўлетбаев Махмуд Тенелбаевич**  
*Ажсиниёз номидаги НДПИ  
Ижтимоий-гуманитар фанларни  
ўқитиш методикаси (Тарих)  
мутахассислиги магистранти*

Ануштакин Хоразмшоҳлар сулоласи ҳукмронлиги даврида (XI-XIII аср боши) Хоразмда иқтисодий юксалиш билан бир қаторда таълим, илм-фан, адабиёт, санъат каби маънавий ва маърифий ҳаётнинг барча жабҳалари тараққий қилган. Сулоланинг барча ҳукмдорлари ҳам ўз фуқароларини билимли ва маърифатли қилиш мақсадида ўз давлатининг турли чеккаларида кўплаб мадрасалар, масжидлар, кутубхоналар қурдирганлиги, ҳаттоки баъзи мадрасалар илм билан шуғулланувчиларни муайян маблағ ва озиқ-овқат билан таъминлаганлиги ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар мавжуд [Буниятов :118-127].

Айниқса, бу даврда Хоразм давлати ҳукмдорларининг таълим ва илм-фан аҳлига катта эътибори ва уларга ҳомийлик кўрсатганликлари ижобий аҳамиятга эга бўлган. Улардан Хоразмшоҳ Алоуддин Такаш (1172-1200 йй.) ўзи ҳам яхшигина адиб бўлиб, араб ва форс тилларида ижод қилган, Хоразмда ҳанафий мазҳаби тариқатида машҳур мадраса қурдирган.

Бу сулола ҳукмронлиги даврида мадрасаларда мударрислик (ўқитувчи) қилиш фахрий фаолият тури ҳисобланган, баъзан юқори мартабали амалдорлар нафақага чиққандан сўнг ушбу иш билан шуғулланган. Шунинг учун ҳам, мадрасаларга мударрис (ўқитувчи) ва имомларни тайинлаш давлат аҳамиятига молик иш бўлиб, султон ёки унинг жойлардаги ноиблари томонидан махсус бекитилган. Масалан, Хоразмшоҳ Ил-Арслон фармонида (1162 йил) кўра, ҳокон Абул Музаффар Тамғач Буғроҳон Иброҳим ибн Сулаймонга Туркистон вилоятидаги мадрасаларга мударрислар тайинлаш ҳуқуқи берилди.

Хоразмшоҳ Отсизнинг мударрис тайинлаш ҳақидаги фармонида: Кимнингдир отаси Марв мадрасалари бирида мударрислик қилган ва унинг ойласи билан яқин алоқада бўлган. Отаси вафотидан сўнг у саройга келган ва буюк

# «QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELARI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILIMY-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

мажлисда иштирок этган. Шунда у ўз отаси мактабига тадрис (иш бошқарувчи) этиб бекитилади. Мадрасага тегишли вақф мулки унинг тасарруфида ва ўқув юртидаги эҳтиёжларга мувофиқ, у вақф дароматларини иморатларни таъмирлашга, ерга ишлов бериш каби мақсадли ишларга сарфлаши лозим дея кўрсатилади. Ушбу харажатлар мадраса толиблари ва фикхшунослар (ислом ҳуқуқшунослари) иштирокидаги мажлисда муҳокама қилиниши ва муқаддас ишларга сарфланиши зарур дейилган.

Хоразмшоҳ Такаш (1172-1200 йй.) имом Бадр ад-Дин номига қўйидаги мазмундаги фармон чиқарган: «Саройдаги муносиб хизмати учун Бадр ад-Дин катта вилоятда мударрис, имом ва хатиб тайинлаш ҳуқуқини қўлга киритади. Бадр ад-Дин ўз вазифаларини қуръонга муносиб турда бажариши, ҳадис, суннит пайғамбарлари ва имомлари таълимотларига амал қилиши лозим. У ҳар жума ва байрамларда одамларнинг оллоҳ, пайғамбар, халифа ва хоразмшоҳга шукроналик йўлидаги ибодатини (намоз ўқиши) таъминлаши, диний қурилишларни таъмирлаши ва уларнинг сақланишига эътибор қаратиши, одамларга ўз сўзи ва ахлоқи ила намуна бўлиши, вақф мулки дароматларини кўпайтириши ва уларга лойақатли бошқарувчиларни тайинлаши зарур» дея кўрсатилган [Буниятов :118-127].

Хоразмшоҳлар даврида фуқораларни билимли ва маърифатли қилиш мақсадида улар ўз давлатининг турли чекка вилоятларида кўплаб мадрасалар, масжидлар, кутубхоналар (дор-ул-кутуб)лар қурдиришган.

Ануштакинлар сулоласи даврида янги мадрасалар қуриш давлат аҳамиятига молик ишлардан бирига айланади. Султон томонидан қурдириладиган янги мадрасалар қурилишига раҳбарлик этиш обрўли руҳонийларга топширилган. Масалан, Хуросондаги мадраса қурилишига муфтий имом Азиз ад-Дин Али ал-Балхийга, Нишопур мадрасаси муфтий ва мударрис имом Фахр ад-Дин Абу Сабит Абд ал-Азиз ибн ал-Жоббор ал-Куфийга топширилган.

Султон Жалоллиддин отаси Алоуиддин Муҳаммад хоразмшоҳ номига Исфаҳон шаҳрида шаҳрида мадраса қурдириш учун унга 30 минг диноҳ берган. Ушбу маблағдан ташқари, Ироқдан олинадиган солиқнинг бир қисми мадраса харажатлари, қурилишни тез фурсатда яқунлашга, шунингдек шамдон, кўза ва бошқада зарурий жиҳозларини олтиндан қўйиш учун ажратилди. Ўша давридаги машҳур маърифатпарварлардан Муқарраб ад-Дин Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Паҳловон ал-Хоразмий (1228 йил вафот этган) қурилиш ишларини бошлаш учун Хоразмдан Исфаҳонга юборилади. Жалоллиддин Мангубердининг шахсий котиби

# «QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILIMY-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

ан-Насавий ёзишича, у тўрт ойдан сўнг мадраса деворларининг одам бўйли қад қўтарганлигини кўради [Ан-Насави: 241].

Ўша даврда ерга ва мулкга эгалик қилишнинг вақф шакли кенг тарқалган. Вақф мулки бутунлай мадраса, масжид ва ханоқоҳлар ихтиёрида бўлган. Баъзан, таълим-тарбия масканларига бутун қишлоқ ҳаёти тарихида инъом этилган. Масалан, Хоразмдаги Хатун Баха мадрасасига Сакан Ахашк (?) қишлоғи вақф мулки тарзида берилган [Буниятов:126]. Хоразмшоҳ Алоуддин Такашнинг вазирини Насир ад-Динга берилган фармонида ёзилишича, ушбу мадрасанинг собиқ мутававалиси (иш бошқарувчиси) вақф мулкларини бошқаришга лоёқатсиз бўлганлигидан, вақф мулкининг зарар кўриши ва инқирозга юз тутишига олиб келган. Вазир Насир ад-Дин мударрислар (ўқитувчилар) ва талабаларнинг иқтисодий қийинчиликларсиз ва беъмоллоқ ўқишларини таъминлаш мақсадида келтирилган зарар ўрни қопланган ва янги мутававали тайинланган.

Ануштакинлар сулоласи ҳукмдорлари маърифатпарварлик ишларига нафақат ҳомийлик қилишган, балки давлат сиёсати даражасида олиб боришган. Маърифатпарварлик ишлари Хоразмда ва ундан чекка вилоятларда кенг турда олиб борилган. Бу даврда ҳукмдорлар билан бирга йирик амалдорлар ва бадавлат кишилар ҳам илм-маърифат тарқатиш йўлида жонбозлик кўрсатганлар [Буниятов:127].

Султон Муҳаммад хоразмшоҳ давридаги давлат арбобларидан Шихаб ад-Дин Абу ибн Имрон ал-Хивакий ўзининг қаттиятлиги ва маърифатпарварлиги билан шуҳрат қозонган. У фикхшунос ва муфтий бўлиш билан бирга, ақли, донолиги ва уддабуронлиги билан ҳукмдор фикрини тез илғай оларди. У Хоразмдаги бешта мадрасада дарс берган, қачонки дарслар тугагандан сўнг ҳожи султон билан турли хил ишлар бўйича суҳбатлашарди. Шихаб ад-Дин маърифатпарварлик ишларига ҳам раҳномалик қилган. У Урганчда ўз ҳисобидан кутубхона қурдирадиги, манбаларда ёзилишича бунақа кутубхона ундан олдин ҳам, ундан кейин ҳам бўлмаган [Ан-Насави: 93-94]. Ануштакин Хоразмшоҳлар маҳаллий олим-фузолардан ташқари, хорижий эллардан келган ва Хоразмда ижод қилаётган кўплаб олим ва шоирларга ҳомийлик қилган. Ўша даврда хоразмшоҳлар саройида диний ва дунёвий билимлар билан шуғулланувчи 50 дан ортиқ олим-уломалар номлари ва илмий ишлари ёзма манбаларда маълумотлар келтирилган [Буниятов:120-125]. Улардан аксарияти хоразмий тахаллуси билан аталган ва хоразмлик бўлган.

# «QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILIMY-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

Ануштакин Хоразмшоҳлар даври ижтимоий-маданий тарихида ёрқин из қолдирган тасаввуф таълимоти вакилларида бири Сулаймон Бақирғонийдир (1122-1186 йй.). Маҳаллий аҳоли хурмат юзасидан Ҳақим Ота деб атайдилар [Ембергенов:10]. Манбаларда ёзилишича: “Ҳақим Ота раҳматуллоҳи – Туркистион машойихларининг бузрукларидиндур. Ҳазрат Хожа Аҳмадни тўртунчи шогирдидур. Отлари Сулаймон ва лақаблари Ҳақимдурки, туркий тилда дарвешлар муомалати тўғрисида айтган ҳикматлари маълум ва машҳурдур. Фойдалиқ нафасларидин бир масалдурки, халқнинг хурмати, вақтнинг ғанимати учун дебдурлар:

*Ҳар ким кўрсанг Хизр бил,*

*Ҳар тун кўрсанг Қадр бил.*

Ҳақим Сулаймоннинг масканлари вилояти Хоразмда эрди. Ул ерда дорул фанодин дорул бақоға риҳлат қилдилар. Оққўрғон мавзеида қабри мубораклари машҳурдур” [Ембергенов: 9].

Унинг таълимоти ва асарлари Ўрта Осиёдан ташқари, Дашти Қипчоқ ва Волга бўйи худудларидаги кўчманчи туркий халқлар орасида тасаввуф таълимотини тарқатишда ва ислом маданиятининг юксалиши ва равнақи учун хизмат қилган.

Айниқса, Ануштакин Хоразмшоҳлар давлати пойтахти Кўҳна-Урганч аҳолисининг ватанпарвар, меҳнатсевар ва хуш хулқлик каби улуғ фазилатлар эгаси бўлишида Нажмиддин Кубро каби каби тариқат пирларининг тарбияси, ўғит насиҳатлари бениҳоят катта бўлган. Бу даврда Хоразмда Нажмиддин Кубро (1146-1221 йй.) бошчилигидаги тасаввуфнинг кубровия оқими шаклланиб, Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон ва бошқа мусулмон Шарқи давлатлари орасида кенг тарқалган. Бу тариқат таълимоти ҳадис ва шариатга асосланган бўлиб, айниқса унда комил инсонни тарбиялаш бу тариқатнинг асосий вазифаларидан бири бўлган.

Хоразмда Ануштакин Хоразмшоҳлар давридан маданий-маърифий соҳанинг тараққий қилганлигини Мирзо Улуғбекнинг (XV аср) «Тарихи арбаъ улус» асаридаги маълумотлар яққол тасдиқлайди. Асарда ёзилишича: «мўғил қўшини Урганчни етти ой қамалдан сўнг истило қилгандан кейин 100 минг одамни ўлдирган, 100 минг аҳли хунар ва аҳли санъатни Мўғилистон тарафга ҳайдаб кетганлар» [Аҳмедов : 329].

Мазкур манбалардаги маълумотлар бироз ошириб юборилгандир эҳтимол, аммо мўғиллар истилоси арафасида Урганчнинг (XIII аср боши) Шарқдаги йирик

# «QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELARI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILIMY-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

маданий-маърифий марказлардан бири бўлганлигини ва аждодларимиз ватанпарварлиги, қахрамонона мардлигидан яққол гувоҳлик беради.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ан-Насави Мухаммад. Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны. Пер. с араб. З.М. Бунятова, -Баку, 1973.
2. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. –Тошкент. Ўқитувчи, 1994.
3. Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов (1097-1231).-М., Наука, 1986.
4. Ембергенов У., Шомуродов Ж. Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким ота). –Тошкент, “Ўзбекистон”, 2015.
5. Турганов Б.К. Металлообработывающее ремесло средневекового Хорезма (по данным письменных и археологических источников) // Диалог городской и степной культур на евразийском пространстве //Материалы V Международной конференции, посвященной памяти Г.А. Федорова-Давыдова 2-6 октября 2011 года. -Казань, Астрахань. 2011. -Б. 116-119.
6. Craft of Khorezm in the period of Anushtegin Khorezmshakhov // EPRA International Journal of Research and Development (IJRD) Volume: 5 | Issue: 10 October 2020 - Peer Reviewed Journal. –С.318-320.
7. Турганов Б.К., Байниязов А.Ж. Средневековые весы Хорезма // Инновационная наука. Международная журнал. №1.2020. -С.33-37. ISSN 2410-6070.
8. Турганов Б.К., Ерманов А., Абдукаримов Х. Общие тенденции развития ремесленного производства в раннесредневековые Хорезма // Международный научный журнал «Символ науки». ISSN 2410-700X № 3. 2021. -С.47-53.
9. Турганов Б.К., Алламбергенов С. Роль металлических предметов в изучении средневековых культурно-экономических связей Хорезма // Международный научный журнал «Символ науки». ISSN 2410-700X №5 / 2021. -С.48-54.
10. Turganov B.K., Daubaeva T. T. Bronze mirrors of Khorezm during the Golden Horde // European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA) Available Online at: <https://www.scholarzest.com> Vol. 3 No. 2, February 2022 ISSN: 2660-5589.